

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДАГИ ИЛҒОР  
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ИЖОБИЙ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ  
ИМПЛЕМЕНТАТСИЯСИ**

*Жураев Жасур Махсutowич*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети тингловчиси, капитан*

**Аннотация:** Ушбу тадқиқот мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уни миллий таълим тизимига мослаштириш имкониятларини таҳлил қилишга қаратилган. Бугунги кунда жаҳон миқёсида ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар жамият хавфсизлиги ва барқарор тараққиётга таҳдид солувчи омиллардан бирига айланмоқда. Шу боисдан, профилактика чораларини эрта босқичда жорий этиш, айниқса мактаб таълими даврида, катта аҳамиятга эга. Тадқиқотда АҚШ, Финляндия, Япония, Германия каби ривожланган давлатларнинг таълим муассасаларида жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ёндашувлари, профилактик тадбирлари, мактаб полицияси, психологик хизматлар ва ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишлар таҳлил қилинади.

Шунингдек, уларда қўлланилаётган рақамли назорат тизимлари ва шахсий ривожланишга қаратилган таълим дастурлари каби инновацион ечимлар ўрганилади. Таҳлил натижалари асосида Ўзбекистон таълим тизимида мазкур илғор тажрибаларни мослаштириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Бунда миллий менталитет, ҳуқуқий база ва мактаб инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда самарали имплементация механизмлари таклиф этилади. Ушбу иш нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки ўсмирларни ижтимоий фаол шахс сифатида шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

**Калит сўзлари:** Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, мактаб ўқувчилари ҳуқуқбузарлиги, илғор хорижий тажриба, таълим тизимида хавфсизлик, психологик хизмат, профилактик чора-тадбирлар, мактаб соғлом муҳити, ментал соғлиқ, таълимда рақамли технологиялар, педагогик профилактика, миллий имплементация, ўсмирлар жинойтчилиги, ота-оналар билан ҳамкорлик, маҳалла ва жамоатчилик назорати, таълим муассасаларида тарбия, халқаро тажрибанинг мослашуви

**Аннотация:** Данное исследование направлено на изучение передового опыта зарубежных стран в сфере профилактики правонарушений среди школьников и анализ возможностей его адаптации в национальную систему

образования. В современных условиях правонарушения среди молодежи становятся одной из угроз общественной безопасности и устойчивого развития. В связи с этим особенно важно внедрять профилактические меры на ранней стадии, в том числе в период школьного обучения. В рамках исследования рассматриваются системные подходы и профилактические мероприятия, применяемые в образовательных учреждениях таких развитых стран, как США, Финляндия, Япония и Германия. Анализируются деятельность школьной полиции, психологических служб, а также взаимодействие с родителями. Кроме того, изучаются инновационные решения, такие как цифровые системы контроля и образовательные программы, направленные на личностное развитие учащихся.

На основе проведенного анализа разрабатываются рекомендации по адаптации и внедрению данного положительного опыта в систему образования Узбекистана. При этом учитываются национальный менталитет, правовая база и инфраструктура школ для создания эффективных механизмов имплементации. Данная работа направлена не только на предупреждение правонарушений, но и на формирование социально активной личности среди подростков.

**Ключевые слова:** Профилактика правонарушений, правонарушения среди школьников, передовой зарубежный опыт, безопасность в системе образования, психологическая служба, профилактические меры, здоровая школьная среда, ментальное здоровье, цифровые технологии в образовании, педагогическая профилактика, национальная имплементация, подростковая преступность, взаимодействие с родителями, общественный и махаллинский контроль, воспитание в образовательных учреждениях, адаптация международного опыта.

**Annotation:** This research focuses on studying the advanced practices of foreign countries in preventing juvenile delinquency among school students and analyzing the potential for adapting these practices to the national education system. In today's global context, juvenile offenses are becoming one of the key threats to public safety and sustainable development. Therefore, implementing preventive measures at an early stage, particularly during the school years, is of crucial importance. The study examines systematic approaches and preventive strategies used in educational institutions in developed countries such as the United States, Finland, Japan, and Germany. It analyzes the functioning of school policing, psychological services, and collaboration with parents. Additionally, innovative solutions such as digital monitoring systems and educational programs focused on personal development are explored. Based on the findings, recommendations are proposed for adapting and implementing these best practices within Uzbekistan's educational system. National mentality, legal frameworks, and school infrastructure are taken into account to propose effective implementation mechanisms. This work aims not only to prevent

student offenses but also to foster socially active and responsible individuals among youth.

**Keywords:** Juvenile delinquency prevention, student offenses, international best practices, safety in the education system, psychological services, preventive measures, healthy school environment, mental health, digital technologies in education, pedagogical prevention, national implementation, youth crime, parental involvement, community and mahalla-based oversight, education-based upbringing, adaptation of international experience.

## КИРИШ

Ҳар бир жамиятнинг барқарор ривожланиши, аввало, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, маънавий тарбияси ва фуқаролик масъулияти даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан олганда, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларда қонунийлик, тартиб-интизом ва ижтимоий фаолликни шакллантириш мураккаб, бироқ долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Сўнги йилларда жаҳоннинг кўплаб давлатларида ўсмирлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бораётгани кузатилмоқда. Бу ҳолат нафақат таълим муассасаларида, балки бутун жамиятда ёшларга нисбатан профилактик чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда. Ўзбекистонда ҳам мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, **“Ёшларга оид давлат сиёсати”**, **“Маълумотлар хавфсизлиги”**, **“Маҳаллабай ишлаш”** каби ташаббуслар доирасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фақат ички механизмларга суяниш билан чекланиб қолиш самарасиз бўлиши мумкин. Бу борада дунёда тўпланган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни миллий таълим тизимига мослаштириб жорий этиш — долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, АҚШ, Финляндия, Япония, Германия каби ривожланган давлатлар мактаб ўқувчилари ўртасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг институционал ва профилактик моделларини самарали тарзда йўлга қўйган.

Мазкур тадқиқот иши ана шундай илғор тажрибаларни таҳлил қилиш, уларнинг асосий йўналишлари, ютуқлари ва муваффақиятли жиҳатларини аниқлаш, шунингдек, Ўзбекистон таълим тизимига мос равишда имплементация қилиш имкониятларини ўрганишга қаратилган. Бу орқали нафақат ҳуқуқбузарликлар даражасини пасайтириш, балки ўсмирларда ижтимоий фаол шахс, қонунга итоаткор фуқаро сифатида шаклланишга кўмаклашиш мақсад қилиб қўйилган. Ҳозирги кунда дунё миқёсида ўсмирлар ўртасида

хуқуқбузарликлар сонининг ортиши, уларнинг турлари ва ижтимоий-руҳий сабаблари нафақат хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни, балки таълим, оила, соғлиқни сақлаш ва фуқаролик жамияти институтларини ҳам ташвишга солмоқда. Айниқса, мактаб даврида содир этиладиган хуқуқбузарликлар ўсмир шахсининг келажақдаги жамиятдаги ўрни ва адаптациясига жиддий таъсир кўрсатади.

**Ўсмирлар хуқуқбузарлиги** — жамият хавфсизлигига таҳдид ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) маълумотларига кўра, ўсмирлар орасидаги хуқуқбузарликлар кўп ҳолларда жиноятчилик, эрта турмуш, мактабни ташлаш, зўравонлик ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш каби салбий оқибатларга олиб келади<sup>1</sup>. Таълим муассасаларида профилактика чораларини кучайтириш зарур. Профилактика ишлари фақат жазо бериш эмас, балки тарбиявий, психологик ва ижтимоий ёндашувлар орқали олдини олиш вазифасини бажаради<sup>2</sup>. Бунинг учун таълим тизимида комплекс ёндашув (мактаб-психолог, мактаб полицияси, ота-она иштирокидаги тренинглар) жорий этилиши лозим.

**Хорижий тажриба** — миллий тизим учун юксак ўрнак бўладиган, ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Финляндия ва Япония каби мамлакатларда мактаб ўқувчиларининг хуқуқбузарлиги бўйича институционал профилактика дастурлари амалга оширилган. Масалан, АҚШда School Resource Officer (SRO) тизими орқали мактабларда полиция ходими ва ўқитувчи биргаликда фаолият юритади<sup>3</sup>.

#### **Ўзбекистон шароитида имплементация эҳтиёжи:**

Ўзбекистонда ҳам таълим ислохотлари доирасида ёшлар тарбияси, хуқуқий онг ва соғлом муҳитни шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Давлатимизда ёшлар ишлари агентлиги, мактаб маъмурияти ва маҳалла тизими ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали илғор хорижий тажрибаларни мослаштириш мумкин.

Хорижий мамлакат олимлари томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида содир этилиши мумкин бўлган хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ижобий тажрибалари ҳақидаги фикрлари:

**М.Т. Терио (M.T. Theriot)** ўз тадқиқотларида таъкидлайдики, мактабларда **School Resource Officer (SRO)** — яъни мактаб полицияси фаолияти ўқувчиларнинг хуқуқбузарликка мойиллигини камайтиради ва мактабда

<sup>1</sup> UNICEF. (2022). *Adolescent well-being and violence prevention in schools*.

– <https://www.unicef.org>

<sup>2</sup> World Health Organization. (2021). *Global status report on violence prevention*.

– <https://www.who.int>

<sup>3</sup> Theriot, M.T. (2016). *School Resource Officers and the Criminalization of Student Behavior*. Journal of Criminal Justice.

қонунийлик муҳитини таъминлайди. Бироқ бунда тарбиявий ёндашув асос қилиб олиниши лозим<sup>4</sup>.

**Д.Ж. Фаррингтон (D.J. Farrington)** таъкидлаганидек, ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда эрта босқичдаги тарбия, шахсий ривожланишга қаратилган дастурлар ва оиладаги муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга<sup>5</sup>.

**ЮНИСЕФ (UNICEF)** ҳисоботларида мактабларда зўравонлик, психо-эмоционал босим ва назоратсизлик ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликка мойиллигини кучайтиради, деб таъкидланган. Шунинг учун мактаб муҳити хавфсиз, қўлловчи ва инклюзив бўлиши керак<sup>6</sup>.

**А.Ф. Алиев** ўз тадқиқотларида мактабларда ҳуқуқий онгни ошириш учун махсус ўқув курслари, интерактив тренинглари ва ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган ёндашувлар жорий этишни таклиф этади<sup>7</sup>.

**ВОЗ (WHO)** ёшлар ҳуқуқбузарликлари соғлиқ, руҳий босим ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ эканини кўрсатиб, бу соҳада комплекс ёндашув — таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамкорлигини тавсия этади<sup>8</sup>.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, мактабларда содир этилаётган интизом бузилишлари, зўравонлик ҳолатлари ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ муаммоларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолат таълим тизимида ҳуқуқий онг ва профилактик фаолиятнинг етарли даражада ташкил этилмаганини, психологик хизматлар заифлигини ва ота-она назорат тизимининг етишмаслигини кўрсатади.

**Ю.М. Рахимов** таъкидлашича, мактаб ёшидаги болалар ўртасида ҳуқуқбузарликларга таъсир этувчи асосий омиллар — бу оилавий назоратнинг сустлиги, ижтимоий муҳитдаги салбий таъсирлар ва ҳуқуқий тарбиянинг етишмаслигидир. У профилактикада маҳалла, ота-оналар ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришни тавсия этади<sup>9</sup>.

**С.Р. Холмуродов** фикрича, Ўзбекистонда профилактик фаолият ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин эмас, **хали ҳуқуқбузарликка мойиллик пайдо бўлишидан олдин** бошланиши лозим. Бунда мактаб психологлари, синф раҳбарлари ва соғлом муҳит муҳим ўрин тутати<sup>10</sup>. Ўзбекистон Республикаси

<sup>4</sup> Манба: Theriot, M.T. (2016). "School Resource Officers and the Criminalization of Student Behavior". Journal of Criminal Justice.

<sup>5</sup> Манба: Farrington, D.J. (2003). "Developmental and Life-Course Criminology". Criminology Journal.

<sup>6</sup> Манба: UNICEF (2021). "Ending violence in schools: An investment in children's future"

<sup>7</sup> Манба: Алиев А.Ф. (2021). "Ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда тарбиявий ишлар самарадорлиги". Тошкент давлат юридик университети материаллари.

<sup>8</sup> Манба: World Health Organization (2022). "Global Status Report on Preventing Violence Against Children"

<sup>9</sup> Манба: Рахимов Ю.М. (2021). "Ёшлар ҳуқуқбузарлиги ва унинг ижтимоий-ҳуқуқий сабаблари". Жамият ва бошқарув, №3.

<sup>10</sup> Манба: Холмуродов С.Р. (2022). "Мактаб муҳитида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда педагогик ёндашувлар". Педагогика илмий журналы, №4.

Президент томонидан 2021-йил 2-апрел куни ПҚ-5050 қарори асосан Ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда “маҳаллабай” ва “ёшлар дафтари” тизимини жорий этиш назарда тутилган<sup>11</sup>.

Ўзбекистон Республикаси “**Мактаб таълими тўғрисида**”ги қонунда (2020 йил, янги тахрирда қабул қилинган) Таълим жараёнида болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги вазифалари белгилаб берилган.

### ХУЛОСА

Ҳозирги кунда ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар нафақат таълим тизими, балки бутун жамият хавфсизлиги, барқарор ривожланиши ва келажақда етук шахсларни тарбиялаш масалаларига таҳдид солувчи омилга айланмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу муаммо кўп омилли, яъни оилавий назоратнинг етишмаслиги, таълим муассасаларида тарбиявий ишлар самарадорлигининг пастлиги, психологик хизматлар заифлиги ва ижтимоий муҳит таъсири билан боғлиқ. ЮНИСЕФ, ВОЗ ва хорижий мамлакатлар (АҚШ, Япония, Финляндия ва Германия) тажрибалари ҳуқуқбузарликларни олдини олишда **эрта профилактика, институционал ёндашув, мактаб полицияси, инклюзив таълим муҳити ва ата-ана иштирокини** фаоллаштириш муҳимлигини тасдиқламоқда.

Ўзбекистонда ҳам давлат томонидан қатор ҳуқуқий-ташкилий чоралар кўрилмоқда — “Мактаб таълими тўғрисида”ги Қонун, ПҚ–5050 қарор, “маҳаллабай” ва “ёшлар дафтари” тизимлари шулар жумласидандир. Аммо амалий натижаларга эришиш учун мавжуд механизмларни тубдан кучайтириш, профилактик ишларни тизимли ва замонавий усуллар билан ташкил этиш зарур.

**Ўзбекистон Республикаси мактаб таълими йўналиши соҳасидаги долзарб муаммоли нуқталари:**

- **Психологик хизматлар етарли эмас** – Мактабларда психологлар сони кам, малакаси етарли эмас ва уларнинг иш юклагаси юқори.
- **Ота-оналар билан ҳамкорлик суст** – Уларнинг таълим-тарбия жараёнидаги иштироки расмий ва пасив шаклда кечмоқда.
- **Интерактив профилактика йўқ** – Қонунни ўргатиш сухсухан дарслар шаклида эмас, интерактив, ҳаётий кейслар асосида ташкил этилиши керак.
- **Маҳалладаги назорат механизми мустаҳкам эмас** – Ёшлар профилактикасида маҳалла, полиция ва мактабнинг ўзаро алоқаси кучсиз.

<sup>11</sup> Манба: <https://lex.uz/docs/5370811>

• **Хорижий тажриба асосида ишланган методикалар жорий этилмаган** – Илғор мамлакатлардаги “School Resource Officer” ёки шахсий ривожланиш дастурлари каби моделлар миллий тизимда қўлланилмаяпти.

#### **Таклиф ва тавсиялар:**

##### **1. Комплекс профилактика тизимини жорий этиш:**

- Мактабларда **“Профилактика гуруҳи”** ташкил этилиб, унга синф раҳбари, психолог, инспектор ва ота-оналарни жалб қилиш;
- Қуйи синфлардан бошлаб ҳуқуқий ва фуқаролик онгини шакллантирувчи **интерактив дарслар** жорий этиш.

##### **2. Мактабларда психологик хизматларни ислоҳ қилиш:**

- Ҳар бир мактабда профессионал психолог ва маслаҳатчи-тарбиячилар фаолиятини кучайтириш;
- Психологларга юклама миқдорини камайтириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларидан ўтказиш.

##### **3. Ота-она ва маҳалла билан фаол ҳамкорлик:**

- Мактабларда **ата-оналар учун профилактик тренинглар ва семинарлар** ташкил этиш;
- Маҳалла ва ёшлар иттифоқи вакиллари профилактик тадбирларга жалб этиш.

##### **4. Хорижий тажрибаларни миллий тизимга мослаштириш:**

- АҚШдаги **SRO (School Resource Officer)** моделини Ўзбекистон шарт-шароитидан келиб чиқиб мослаштириш;
- Финляндиядаги шахсий ривожланиш, ментал соғлиқни сақлаш ва ўқитувчи-психолог биргаликдаги иш тажрибаларини жорий этиш.

##### **5. Рақамли кузатув ва эрта таҳлил технологиялари:**

#### **ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Таълим муассасаларида **рақамли мониторинг тизими** орқали ҳуқуқбузарликка мойил болаларни эрта аниқлаш;
2. “Хавф гуруҳидаги” ўқувчилар учун махсус реабилитация ва кўмак дастурларини ишлаб чиқиш. **Ўзбекистон Республикаси “Мактаб таълими тўғрисида”ги Қонуни**, 2020 йил, янги таҳрир. — lex.uz
3. **ПҚ–5050-сонли Президент қарори**, 2021 йил 2 апрель — “Ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари”.
4. **Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни**, 2016 йил. Алиев, А.Ф. (2022). *Мактабда ҳуқуқий онгини оширишнинг замонавий механизмлари*. — Тошкент: Фан.
5. Рахимов, Ю.М. (2021). *Ўсмирлар ҳуқуқбузарлиги: сабаблар ва ижтимоий ечимлар*. — “Тарбия ва жамият” журнали, №2.

6. Холмуродов, С.Р. (2023). *Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактиканинг роли.* — “Педагогика илми” журнали, №3.
- Нуриддинов, Б.Ш. (2020). *Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида маҳалланинг ўрни.* — Тошкент давлат юридик университети нашри.
7. Theriot, M.T. (2016). *School Resource Officers and the Criminalization of Student Behavior.* — *Journal of Criminal Justice*, 44(1), 183–192.
8. Farrington, D.J. (2017). *Childhood Risk Factors and Protective Interventions for Youth Crime.* — *Cambridge Journal of Education*, 47(3), 243–260.
9. **UNICEF** (2020). *Addressing Violence in Schools: A Global Perspective.* — New York: UNICEF Publications.
10. **World Health Organization (WHO)** (2021). *Preventing Youth Violence: Evidence and Strategies.* — Geneva: WHO.
11. **OECD** (2019). *Education at a Glance: School Safety and Student Wellbeing.* — OECD Publishing.
12. Савельева, И.А. (2019). *Профилактика правонарушений среди несовершеннолетних в образовательной среде.* — Москва: Юрайт.
13. Фатхутдинов, Р.А. (2020). *Социально-психологические аспекты подростковой преступности.* — Казань: Изд-во КФУ.
14. Камолов, Ф.М. (2021). *Ўқувчилар ўртасида қонунийликни шакллантиришда оила ва мактаб ҳамкорлиги.* — “Жамият ва ҳуқуқ” журнали, №1.
15. Маҳмудова, Д.Ш. (2022). *Ўқувчилар ҳуқуқбузарлиги: эрта ёшдаги олдини олиш чоралари.* — “Илм ва амал” журнали, №4.
16. Kajs, L., & Schumacher, G. (2012). *School Safety and Student Discipline Programs.* — *Journal of Education and Learning*, 1(2), 35–43.
17. O'Malley, M. D., & Green, J. G. (2018). *School Climate and Prevention of Juvenile Delinquency.* — *Youth & Society*, 50(1), 3–27.
18. **UNESCO** (2021). *Education for Tolerance and Nonviolence.* — Париж: UNESCO Publications.
19. Парпиев, И.К. (2023). *Ўзбекистонда ёшлар профилактикаси соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш йўналишлари.* — “Юрист ҳуқуқчи” журнали, №2.